

Саид Косимий XVI асрда яшаб ижод этган ўзбек шоиридир. Унинг хаёти ва ижодий фаолияти хақида бизга қадар етарли маълумотлар сақланиб қолмаган. Филология фанлари номзоди Б. Косимхонов «Саид Косимий маснавийлари» номли китобини нашр эттирди. Унда шоирнинг ахлокий-таълимий характердаги «Гулшани роз», «Мажмаул ахбор», «Хақиқатнома», «Садокатнома» сингари дostonлари жамланган. Ушбу дostonларда шоир ўзининг илм-маърифат, ахлоқ-одоб, хайр-эхсон, адолат ва одил шох, ризқ, шукр, қаноат, ибодат, тақво, имон, ишқ, ризо хақидаги мулохазаларини баён этган. Хар бир масала хусусидаги назарий қарашларини тарихий шахслар, хаётий воқеалар хусусидаги ҳикоят ҳамда масаллар билан исботлаб, тасдиқлаб боради, кишиларга панд-насихат беради.

Отанг-онанг тарбиятига қил гузар,  
Холина айлаб назар, олгил хабар.

\* \* \*

Душман агар мўр бўлса, қўрма хақир,  
Хар нечаки бўлса олингда ақир.

\* \* \*

Бир кишига «сен» деганингдир чу тиг,  
Яхши сўзунг қилма кишидан дариг.

\* \* \*

Яхшилик эт эмдики дастинг етар,  
Яхши-ёмон хар нақим қилсанг ўтар.

\* \* \*

Билгали сўз хотири доно қерақ,  
Қўргали йўл дидаи бино қерақ.

\* \* \*

Кишиқим аямас хуш сўз кишидан,  
Эмас гофил даме тангри ишидан.

\* \* \*

Оти чикар қимдаки бор лутфу жуд,  
Давлати шоиста дагул бевужуд.

Лутфу мурувват йўлина ур кадам,  
Ким бу дурур шохию таблу алам.  
Кимдаким бордур лутфу карамдин нишон,  
Ўлса ўзи, оти колур жовидон.

\* \* \*

Хамдами ишк бўлмади хар булхавас,  
Ўтга ёвук келса, куяр хар хору хас.

\* \* \*

Захру шакар хосияти сўздадур,  
Мехру мухаббат томури кўздадур.

\* \* \*

Кимки босар хаддин ортик аёк,  
Келтурур ўзига кучун ул таёк.  
Бошни талаб йўлида сен хок кил,  
Пирохани танни чу гул чок кил.

\* \* \*

Яхшилиқ эт эмдики дастинг етар,  
Яхши-ямон хар наким килсанг ўтар.

\* \* \*

Билгали сўз хотири доно керак,  
Кўргали йўл дидаи бино керак.

\* \* \*

Хар на ишинг битмаса тоат била,  
Хосил бўлур сабру каноат била.

\* \* \*

Хомтамаъ одами одам дагул,  
Аклу басорат била хамдам дагул.

\* \* \*

Одамийга сабру каноат керак,  
Сидку иродат ила тоат керак.

\* \* \*

Кетур элга дили ахли дилени,  
Кабул эт хидмати бир мукбилени.  
Кимаки лутфу хидмат хамдам эрмас,  
Эрур хайвони нотик, одам эрмас.

\* \* \*

Тиларсен хосил этсанг номи мардий,  
Бошни кил фидойи ахли дарде.  
Хомтамаъ одами одам дагул,  
Аклу басарот била хамдам дагул.  
Кимки тамаъ риштасина бастадур,  
Дарди кабохат ила побастадур.